СЕССИЯ ЯКУНИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

# ИЛДИЗЛАР БАҚУВВАТМИ?

ЙИЛЛАР ЎТИБ бугунги қизғин дамлар ҳам тарих бўлиб қолади. Биз бугун мутлақо янгича шароитларда, шиддатли ўзгаришлар замонида яшамоқдамиз. Деярли ҳар куни маржон-маржон ечимлару, қарор-қоидаларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳайратни ошириб, ақлни шоширадиган яхши-ёмон ҳолатларнинг шоҳиди бўлаётирмиз. Шоир айтганидек, тўйиб емасак ҳам, тўйиб гапиряпмиз. Не бахтки, бизни ҳам тинглашаяпти, саноқчилар баланд кўтарилган қўлларимизни рўйхатга олмоқдалар. Авом илтижолари ижобат бўлмоқда. Халқ дардига қулоқ осиладиган замонлар келгани илоҳим рост бўлсин.

Инқилобнинг етмиш иккинчи йилида бизни яхши кунлар умиди ўз оғушида маҳкам ушлаб турибди. Умидлар остонасида туриб эртанги кунимиз, элу юртимиз эртаси, қайта қуришимиз тақдири тўғрисида хаёллар сурмоқдамиз. Чунки жавобсиз саволлар кўп, жумбоқлар бисёр. Қай томон бораяпмиз? Қай манзилларга ошиқаяпмиз? Сўқмоқлар адоғида нима бор: Боғу бўстонми? Дашту саҳроми? Бугунги ечимларнинг қай бирлари тарих мулкига айланади-ю, қай бирлари учун жавобгар бўламиз?

Хаёлни чувалаштирадиган қоришиқ нарсалар озмунча эмас. Кимдир этагини қоқиб «Э, менга нима, оч қорним — тинч қулоғим», дея четга чиқиб турибди. Кимдир «Бироддарлар, тақдиримиз илиниб турибди, ахир бошни қашлайлик, каллани ишлатайлик, ҳаракат қилайлик», деб бонг урмоқда. Бошқа биров миқ этмай турибди, дўппи тор келган пайт қай томонга оғишини, кимга, нимага иқтидо қилишини билиб бўлмайди. Редакцияга келган мактублардан бирида собиқ раҳбар бизга маслаҳат беради: «Ёзса бўлавераркан, деб ёзаверманглар. Эртага нима бўлади — оллоҳнинг ўзига аён. Сиёсат ўзгариб қолса, бугун сайроқилик қилаётганларнинг ҳолига вой деяверинг». Учрашувлардан бирида маҳалла фаолларидан бири шундай деди: «Марҳамат, қайта қуринглар, жадаллаштиринглар. Демократияни чуқурлаштиринглар. Ошкораликка ҳам қарши эмасман. Бемалол, менга қолса дарвозаларнинг ҳаммасини очиб юборинглар. Қани, қараб турайликчи, охири қаерга бораркинсизлар...».

Эҳтиёткорлик, шубҳасиз, яхши фазилат. Аммо уни бефарқлик иллатидан фарқлай билишимиз керак. Биз ҳозир ўз бошимиздан, таъбир жоиз бўлса, урушдан кейинги энг қийин, энг мураккаб даврни кечирмоқдамиз. Ўғрилик кучайган, жиноятчилик авжида. Чайқовчилик мисли кўрилмаган даражада гулламоқда. Магазинлар бўм-бўш, бозорга яқинлаб бўлмайди. Ҳукумат халқ билан бамаслаҳат танглик оқибатларини тугатиш йўлларини қидирмоқда. Куни кеча, кўзимизга оҳанрабодай кўринган иқтисодий ислоҳот режалари бугун чок-чокидан сўкилиб қайтадан янгиланмоқда. Ҳаётнинг ўзи улуғ муҳаррир бўлиб ҳамма-ҳамма нарсани аёвсиз таҳрирдан ўтказмоқда.

Бундай пайтда бефарқликдан, четга чиқиб туришдан ҳам хавфлироқ душман бўлмайди. Бугун ўз ўрнини топа олмаган одам охир-оқибатгача ҳам уни топа олмаслиги аниқ.

Сессиянинг сўнгги иш кунларида хаёлимдан шу мулоҳазалар ўтди. Радио ва телевидение ходимларига минг қуллуқ, газеталар тарки одат дея камсуқумлик қилиб туришганида, улар жасорат ва маҳорат билан янги парламент ишини халққа етказдилар. Минг қатла шукр, бор гапдан воқиф бўлдик. «Фалончи ундай дебди, фистончини ёмон қилишибди. Ундоқ бўлибди, мундоқ бўлибди», деган мишмишларга ўрин қолмади. Депутатларимиз билан яқиндан танишиб ҳам олдик. Савия-даражаларини кўрдик. Уларга қўшилиб ҳаяжонландик, баҳсга тушиб кетдик. Оташин нутқларни эшитиб фахрландик, кўнглимиз кўтарилди. Гоҳо сайловчи сифатида жиндек ҳижолат тортишга ҳам тўғри келди. Начора, тайёр андоза йўқ, тажриба кам, вақти-соати билан ҳаммаси жой-жойига тушиб кетар.

Энг қувончлиси, ошкораликка эришганимиз бўлди. Бирор жойимиз кемтилиб қолгани, бирорта мансабдорнинг обрўсига путур етгани йўқ. Аксинча, халқимизнинг қайта қуришга ишончи ортди, умидлари жонланди. Республика президенти, Министрлар Советининг ҳақ ва халқ манфаатлари йўлидаги саъй-ҳаракатлари кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланаётганлигининг боиси ҳам шунда.

Сессия ишининг бош масаласи — жумҳуриятимиз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш бўлди, десам хато бўлмас. Халқ миллий онгининг ўсиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бугунги даражаси, қайта қуриш, ошкоралик туфайли юзага чиқаётган бир қанча бошқа ҳолатлар ҳамда Ўзбекистон ССРнинг бошқа қардош жумҳуриятлар қатори мустақил социалистик давлат сифатида ўз ҳудудида тўла-тўкис давлат ҳокимиятига эга бўлишлиги зарурати бу масалада иттифоқдош республика ва ССР Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритишни тақозо этмоқда. Таъкидлаб ўтилганидек, Иттифоқ давлат ҳокимиятининг олий органлари ихтиёрига тегишли ўзаро келишув бўйича берилган ваколатлар, аёнки, бундан мустаснодир.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ Министрлар Советининг Раиси этиб сайланган Ш. Р. Мирсаидов ўз ҳаракат дастурида кейинги беш йил ичида Ўзбекистон қишлоқларини газлаштиришга қатъий бел боғлаганлигини айтди. Бир вақтлар миллион-миллион тонналик улкан «оқ олтин» хирмонлари тўғрисидаги «зафар» рапортлари янграганда ҳам, республикамиз «кўксига» навбатдаги олий нишонлар тақилаётганида ҳам бу қадар янгроқ, жарангдор олқиш садолари эшитилмаган эди. Бу садоларни телеэкран орқали миллион-миллион кишилар эшитдилар. Кўмир ва тезак ҳиди анқиган, бир боғ ғўзапояни ҳам фалон пулга сотиб олаётган кулбаларнинг миллион-миллион соҳиблари — сизу бизнинг ота-оналаримиз, ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз бош нозиримиз ҳақига дуо қилган бўлсалар, «Отангизга минг раҳмат, ўғлим» дея кўзларида ёш қалққан бўлса ажаб эмас.

Эътироф этиш керак, оғир ва масъулиятли вазифа бу. Саксонинчи йиллардаёқ нақд коммунизмда яшамоқчи бўлганимизни, американикларни қувиб етганимиздан сўнг дастурхонимизни гўшту ёғ, сут-қаймоққа тўлдириб юбориш тўғрисидаги ваъдани эслайлик. Озиқ-овқат, уй-жой, саломатлик ва яна қанчадан-қанча программаларни олайлик. Тантанавор ваъдалар бериб мактабни ислоҳ қилмоқчи бўлдик. Ҳеч нима чиқмади. Совет турмуш тарзи дедик. Ҳеч нима ўзгармади. Қишлоққа — юксак турмуш маданияти дедик. Биров ўгирилиб ҳам қарамади. Ҳаммом ҳам, тешик тоғора ҳам ўша-ўшалигича қолиб кетди.

Нега шундай бўлди? Ҳаёт ҳақиқати билан ҳисоблашилмаган режалар эди уларнинг ҳаммаси. Халқ билан маслаҳатлашилмаган эди. «Супрасида урвоқ йўқ, итининг оти маржон» ниятлар эди.

Янги бош нозир ҳукумат номидан бу ишни ўз зиммасига олди. Келинг, бунга ишонайлик, саъй-ҳаракатларни бирлаштирайлик. Чунки... Шукурулла Раҳматовичнинг фикрича, олдимизда турган вазифаларни халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашнинг ҳозирги аҳволи билан ҳал этиб бўлмайди. Бизнинг иқтидорли йигит-қизларимиз мамлакат марказида, хорижий мамлакатларнинг машҳур илм ўчоқларида ҳам таълим олишлари зарур. Демократия йўлини қатъий ўтказиш билан бирга ҳамма соҳаларда қатъий интизомга эришмай туриб иқтисодиётдаги аҳволни ўнглаб бўлмайди. Фақат ислоҳий қонунлар қабул қилиш билангина мураккаб масалаларни ҳал қилиш мумкин эмас.

Ва яна: «Итоаткорона бўйсуниш руҳида тарбияланган турли даражадаги партия ва совет ходимлари ўз ҳаракатларига оқилона (ва мустақил — **ред.**) ёндашиш қобилиятини йўқотдилар, халқнинг эҳтиёжлари ҳақида ўйлашни унутиб, фақат юқоридаги раҳбарларнинг кўнглини олишга ўтдилар».

Республикамизда жами маҳсулотлар давлат буюртмаси асосида етиштирилаётгани ва шу асосда давлатга топширилаётгани, бунинг оқибатида бошқа жумҳуриятлар бу маҳсулотларни бевосита ўзимиздан эмас, марказдан олаётганлари ҳам айтиб ўтилди. Бу қоида иттифоқдош республикалараро шартномалар тузиш, икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконини бермайди.

Бошқа тўсиқлар, устамонликлар ҳам мавжуд. Яъни: «Жумҳурият бугунги кунда унинг территориясида жойлашган иттифоқ миқёсидаги кўп сонли саноат корхоналаридан келадиган фойданинг фақат бешдан бир қисмини олади, холос. Аҳолидан олинадиган давлат солиқлари, давлат божлари, давлат заёмлари ва хўжалик ҳисобидаги банкларнинг тўловларидан тушадиган пулнинг ярмидан камроғи жумҳуриятимизга ажратилади». Бундан ташқари, мамлакатнинг бошқа регионларида бизнинг хомашёмизни қайта ишлаш ҳисобига олинаётган мўмай даромаднинг тегишли қисмидан ҳам маҳруммиз. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, бу ҳуқуқларимиз тикланса, иқтисодий муносабатларда социал адолат ўрнатилса республикамиз бюджети бир неча миллиард сўмга бойийди. Ҳозирча эса «Иттифоқ органлари қўллайдиган қонунлаштирилган ҳийла-найранглар, ҳисобга олишнинг бу айёрона усуллари» мавжуд бўлиб турибди. Бу усулларнинг барҳам топиши — қишлоқ осмонида қуёш чарақлаши, деҳқон пешонасига офтоб тегиши деган гап.

Биргина газ билан қишлоқда турмуш тарзини ўзгартириб, мавжуд муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Деҳқонга ер, сув керак, уй-жой, сигир-бузоқ, қўй-эчки керак. Қурилиш материаллари керак.

Муаммолар ҳамма жойда ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Истаган ерингизда улар уюмига дуч келасиз. Шаҳар шаҳар бўлмай қолди, қишлоқ қишлоқ бўлмай қолди. Лекин, шунга қарамай, қишлоқ муаммолари — бизнинг энг оғир жароҳатимиздир. Бепоён уммонлар ҳақида ўйлаганимизда, уларга жон ато қилиб турган заҳматкаш дарёларни, дарёлар тўғрисида қайғурганимизда, уларнинг қон томирлари бўлмиш ирмоқларни унутмаслигимиз керак. Биз неча вақт «Марказ нечоғли кучли бўлса, иттифоқдош республикалар шу қадар қудратли бўлади», деб келдик. Ҳаёт бунинг аксини кўрсатди. Марказ қудратини таъминлаш учун энг аввало иттифоқдош республикаларни жонлантириш лозим экан. Илдизлари бақувват ва соғлом дарахтнигина танаси қудратли бўлар экан. Биз неча вақт «Партия режалари — халқ режалари», деб келдик. Бу сўзларни шиор қилиб баланд жойларга осиб қўйдик ва йиллар давомида бошни қашламай, чуқурроқ ўйламай тагидан саф тортиб ўтавердик. Эндиликда эса партиянинг ўзи масалага аниқлик киритмоқда: «Халқ манфаатлари — партиянинг мақсади».

СЕССИЯ ДАВОМИДА жумҳуриятимиз бамисоли ошкоралик ойнасида кўрингандай бўлди. Ҳар бир депутат ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида амалий ўзгаришлар бўлишини куюнчаклик билан таъкидлади. Тўғри, минбар, микрофон ҳаммага ҳам насиб этмади. Эҳтирослар гоҳо жўшиб-тошиб кетди. Нари борса маҳалла ёки касаба союз ташкилотида ҳал бўладиган муаммолар ҳам зўр шиддат билан ўртага ташланди. Ҳар ким ўз дардини айтди. Чунки депутат сессия тугаши билан сайловчилар ҳузурига қайтади. Ҳозир сайловчи деганингиз ҳам анойи эмас. Телеэкрандан кўзини узмай ҳамма-ҳаммасини кузатиб турибди. Фаол «жанг»чиларни, одобли муросасозларни, сўзсиз тасдиқловчиларни кўриб турибди. Эртага исканжага олади. «Ваъдалар бошқача эди-ку, қани улар?» Ҳозирча нотиқлик санъати ҳам баҳо олишнинг муҳим шартидир.

Ўз дардини айтиш касали ҳукумат составини сайлаш чоғида ҳам намоён бўлди. Депутатлар кўпгина номзодларга жиддий эътирозлар билдирдилар. Нозирлар кенгаши раисининг ўринбосари этиб сайланган Исмоил Жўрабеков номзоди муҳокамаси чоғида зал жонланиб кетди. Оролга бир қултум тоза сув қуйилаётгани йўқ. Коллекторлардан заҳарланган, шўр сув оқаяпти. Бошланган жуда кўп ишлар ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Қишлоқ хўжалиги бошқарувида жиддий хатоликлар мавжуд.

Депутатлар адлия министри лавозимига тавсия этилган Б. Олимжоновнинг номзодини маъқулламадилар. Саволлар ёғилиб кетди. Адлия органлари ёмон ишламоқда, деган фикр кўпчиликнинг фикри бўлиб чиқди. Депутат Э. Воҳидовнинг «Ўзбек фуқароларининг Ўзбекистонда қилган жиноятлари учун бошқа регионларда суд қилинишларини қандай баҳолайсиз?» деган саволи масалани янада ойдинлаштирди.

Мелиорация ва сув хўжалиги министри Р. Гиниятуллинга ҳам осон бўлмади. Бу соҳадаги кўпгина масъул ходимлар амалда ишни барбод қилаётганлиги, Зарафшон дарёси заҳар-заққум оқовага айланганлиги рўй-рост айтиб ўтилди. Бир вақтлар Пирмат Шермуҳамедов ҳар бир дарё тўғрисида қонун ишлаб чиқилиши зарурлигини, табиатнинг бу буюк инъоми қонун йўли билан муҳофаза қилиниши лозимлигини куюниб гапирган эди. Зарафшон, Сирдарё ва Амударёнинг бугунги аянчли аҳволи, қанчадан-қанча кўл ва сойларимиз қисмати бу куюниш ғоят ўринли эканлигини кўрсатиб турибди.

Депутатлар молия министри Йигитали Маматисаевни, ички ишлар министри Вячеслав Камоловни, соғлиқни сақлаш министри Саиджалол Баҳромовни, қурилиш министри Қудратилла Маҳамадалиевни, автомобиль йўллари министри Рустам Юнусовни, уй-жой — коммунал хўжалиги министри Виктор Михайловни, ДХК раиси Анатолий Моргасовни, физкультура ва спорт комитетининг янги раиси Обид Назировни, алоқа министри Комилжон Раҳимовни жиддий имтиҳон қилдилар. Сайловолди курашларида берилган минг-минг ваъдалар ёнига нозирларимизнинг ундан кам бўлмаган янги ваъдалари қўшилди. Ният яхши, рўёбга чиқса янада яхши.

Депутатлар «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифларини муҳокама этганларида залда ўзига хос ҳаяжон ҳукм сурди. Армиямизда тартиб-интизом бўшашиб кетганлиги, йигитларимиз нобуд бўлаётганлиги тўғрисида кейинги пайтларда очиқ-равшан фикр юритилмоқда. Газетамиз бу ҳақда икки бор ёзди. Жудолик доғига дучор бўлган юзлаб ота-оналардан мактублар олди. Ана шу мақолалар муаллифи, халқ депутати қилиб сайланган Карим Баҳриевнинг сессиядаги нутқини тинглаган киши масала бағоят жиддий эканлигига ишонч ҳосил қилади. Мақсад битта — армия армиядай бўлсин. «Қора хат» ҳеч кимнинг эшигини қоқмасин! Ўғилларимиз Ватан мудофаасидан чиниқиб, тобланиб қайтишсин!

СЕССИЯ ТУГАДИ. Депутатлар иш жойларига қайтдилар. Доимий комиссиялар фаолияти давом этмоқда. Сайловчи сифатида бизнинг ҳам руҳимиз тетик. Тўғри, муаммоларнинг ҳаммаси ҳам ҳал бўлгани, айтилиши зарур гаплар айтилгани йўқ. Лекин, барибир, руҳимиз тетик, кайфиятимиз яхши. Чунки, адолат манзили сари мўлжални тўғри чамаладик чоғи.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

# «УЧИШ БЕКОР ҚИЛИНАДИ!..»

АЭРОВОКЗАЛЛАРНИ ҲАВО дарвозаси деб аташга одатланганмиз. Бироқ Тошкент аэровокзалини жўнгина ҳаво дарвозаси дейиш камлик қилади. У бутун Шарқнинг, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг осмон чорраҳаси. Бу ерда шарқу-ғарб, шимоли-жанубнинг не-не улкан ҳаво йўллари туташади. Қаранг, қанчалар улуғвор номи бор Тошкент аэропортининг.

Майли, бир зум осмондан пастга тушайликда, узоққа эмас, ўз юртимиз шаҳарларидан бирига учишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Дейлик, ўша бутун олам биладиган жаҳонгир Темур дунёга келган Шаҳрисабзга йўл олайлик.

Одатдаги кунларнинг бири — 13 январь. 507-рейс эрталаб 9дан 15 минут ўтганда учиши керак. Йўловчилар саккиз бўлмасданоқ аэропортга етиб улгуришган. Ҳаво совуқ. Кечагина ёққан қор аввалгилари устига тушиб ҳаммаёқни муз-сирпанчиққа айлантирган. Аэровокзаллар қайта қурилаверib йўловчи эришган энг «катта қулайлик» шуки, маҳаллий ҳаво йўллари бўлимида кутиладиган ва училадиган бўлимлар бошқа-бошқа бўлиб қолган. Оралиқ 150 қадам.

Йўловчилар саккиз яримдаёқ учиш зали эшиклари олдида тўп-тўп бўлиб, самолётга чиқишни эълон қилишларини кута бошлашди. Қари-қартанглар, ёш болали аёллар, болалар, рейслари қолдирилиб, сарсони чиққан — ҳамма-ҳамманинг дарди тезроқ учиш, бу совуқдан қутулиб, манзилга етиш. Одамлар учиш тезроқ эълон қилинса-ю, ичкарига кириб кутсак ҳам майли, дейди. Самолётнинг вақтида учиши айтилмоқда. Аммо рўйхат бошлана қолмаяпти. 507-рейс ёзилган эшиклар олдида йиғилганлар совуқдан дийдирашиб болаларига раҳми келганидан ичкарига бир амаллаб кириб олишди. Ҳар қалай, ҳам оёқдан, ҳам бошдан ураётган совуқдан кўра шу ер маъқулроқ. Аммо соат 9дан ошаяпти-ки, учишдан дарак йўқ. Одамлар бўғилиб сўзловчи радиокарнайларга жон қулоғини тутишади. Эълонларни тушуниб-тушунмай елка қисишади. Хуллас учиш вақти ҳам ўтиб кетди. Бир маҳал шу рейснинг бошқа бир йўловчиси ҳаллослаб югуриб келди:

— Сизлар нима қилиб бу ерда тўпланиб ўтирибсизлар? Рўйхатга олиш аллақачон бошланган. Одам камлигидан рейсни бекор қилишди.

— Нега бекор қилишади?

Йўловчилар жаҳли чиқиб смена бошлиғи (Сатторов)га рўпара бўлишади. Аммо бошлиқ даргоҳига яқинлаб бўлмайди. Тумонат одам. Хуллас, совуқдан кўкариб кетган болаларини биғиллатиб, бир амаллаб бошлиққа рўпара бўлганларида:

— Энди ҳеч нарса қилиб бўлмайди, охирги рейс билан учасизлар, — деган жавоб олинди. Охирги рейс тўрт ярим соатдан сўнг бўлади... Ахир, йўловчилар эрта тонгда учаман деб туни билан тайёргарлик кўрган, сирпанчиқ, совуқ шаҳарда бир амаллаб аэропортга етиб келган. Яна совуқда кўкариб, болаларини касал қилиб 4,5 соат кутиш осонми? Ҳаво айниб, учмай қолса-чи? Нариги шаҳарда буларни кутишга чиққанлар-чи? Қанча одам саргардон! Ўзлари рўйхатга олишни чалкаштириб одамларни сарсон қилишса-да, яна одам оз деб рейсни бекор қилишса!!! Бундан ортиқ бедодлик борми?

Чақалоқлар биғиллаб йиғлайди. Совуқ, ҳуқуқсизлик жондан ўтади. 20 чоғли одам ҳам бўш кўлмайди. Улар энди ҳуқуқини танияпти. Шу боис «Энг катта бошлиғингни чақир шу ерга, — деб талаб қилишди. — Ўзларинг ишни чалкаштириб, нега бизларни сарсон қиласизлар? Аэрофлот йўловчисининг ҳам бирор ҳуқуқи борми ёки у билет олганидан сўнг сизларнинг қулингизга айланадими? Сизларни ҳам тартибга чақирадиган одам борми ўзи?»

— Самолётнинг ярми тўлмаса учирма деган министрнинг буйруғи бор, — дейди кичкина бошлиқ.

— Ҳе, ўргилдим ўша министрингдан, — дейишади йўловчилар, — мана 18та билет, яна тўртта йўловчи ҳам шу атрофда...

Одамлар бутун аэропорт бўйлаб зир югуриб Шаҳрисабзга учолмай сарсон бўлган бошқа йўловчиларни ҳам йиғиб келади. Кичкина бошлиқ энди каттасини чақиришга мажбур бўлади.

Мунозара авжига чиқади. Одамларни турли найранглар билан овутишдан натижа чиқмаслигини кўргач, аэропорт бошлиғининг ўринбосари Г. А. Симитанин астойдил мурувват кўрсатмоқчидай бўлиб узоқ вақт қайларгадир қўнғироқ қилади, вақт ўтказади. Охири эса: «Сизларнинг самолётингиз бошқа жойга учиб кетибди. 3 соат вақт қолди, охирги рейсда ҳаммаларингни учиришга ваъда бераман», дейди тантанавор оҳангда. Ҳафсаласи пир бўлган йўловчиларнинг баттар хуноби ошади, аммо бошини тошга урса ҳам энди фойдаси йўқ. Ноилoжликдан нима қиларини билмай тўпланишиб шикоят ёзишади. Бошқа нима ҳам қилишарди. Эҳтимол, бундан ҳам ҳеч нарса чиқмас, аммо поймол бўлган ҳақ-ҳуқуқ, қадр-қиммат шу билан бир оз таскин топиб, бирор иссиқроқ егулик қидириб тарқашади. Аёллар болаларининг иштонини янгилайди. Кимдир ўзини видеобарга уради...

Хўш, бу одамларни жунбўшга солган, қадр-қимматини оёқ ости қилган хатолик қандай юз берди? Ахир, ҳаво очиқ бўлса, самолёт пешвоз турса-ю, йўловчи учолмай сарсон бўлса? Биринчидан, хатоликнинг бош нуқтаси 507-рейс йўловчилари аэровокзал эшикларига номи аниқ ёзиб қўйилган 1-сектордан эмас, бошқа сектордан рўйхатга олингани, шунда ҳам бу иш муддатидан анча кеч бошлангани ишнинг белига тепди. Йўловчиларнинг энг катта қисми бундан хабар топмай иккига бўлиниб қолди. Иккинчидан, шундай бўлган тақдирда ҳам радио-ахборот ва информация таблолари аниқ ишлаб йўловчиларни огоҳ этиши, улар ўзгарган жойга таклиф этилиши шарт эди. Учинчидан, 507-рейсни рўйхатга ола бошлаган Тарасенко деган аёл фақат 11 киши рўйхатдан ўтгач, қанча билет сотилганини аниқлаши лозим эди. У бунинг ўрнига диспетчерга қўнғироқ қилиб, «йўловчилар йўқ», дея ваҳима кўтарди. Диспетчер ҳам сўраб-суриштирмай, масаланинг тагига етмай самолётни қолдириб юборди. Тарасенко эса ҳатто йўловчилардан бири «одамлар 1-секторда кутиб ўтиришганини» айтганда ҳам қулоқ солмади. Унинг бир оғиз гапи билан бутун бир рейс қолдиилди.

ОДАМНИ МАНА ШУ НАРСА хуноб қилади. 13 январдаги ҳангома бу шунчаки тасодиф эмас. Истаган куни бу ерда бирор машмашанинг устидан чиқасиз. Газетамиз ўтган йили ҳам аэропортнинг маҳаллий ҳаво йўлларига учиш бўлимида юз бераётган можаралар ҳақида ёзган эди. Газетхонларнинг ўнлаб мактубларида ҳам бундай хунобгарчиликлар, билет сотишдаги найрангбозликлар тилга олинган. Йўловчилар норозилигининг асосий моҳияти фақат хизмат маданиятининг пастлигидагина эмас. Жумҳурият шаҳарларига училадиган аэровокзал биносининг йўловчилар манфаатини кўзлаб эмас, асосан аэропорт хизматчиларининг манфаатини кўзлаб қайта қурилганлиги юқоридаги нохуш воқеада айтилганидай, жуда кўп сарсогарчиликларга олиб келяпти. Йўловчи ёзда 40 даражалик жазирама қуёш остида, қишда эса қор-ёмғир уриб турган қаҳратон совуқда ҳам ўз самолётини очиқ осмон остида кутишга мажбур. Аввало, бизнинг йўловчиларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқини таниганида бундай қайта қуриш авторини судга бериши лозим эди. Ахир, бу йўловчиларни менсимаслик эмасми? Улар қачонгача аэровокзалнинг янги ва эски бинолари оралиғида жон ҳалак, сарсон юришади. Наҳотки, реконструкциянинг буюртмачиси бўлган Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг раҳбарлари бу ҳолни маъқул кўриб ўзларининг шинам хоналарида хотиржам ўтирсалар?!

Қўлингизга истаган авиабилетни олиб, унинг орқа томонидаги ёзувларни ўқиб кўринг. Бирор бандида йўловчининг ҳақ-ҳуқуқи ёзилмаган. Ҳамма бандлар аэрофлотнинг тартиб-интизоми ва йўловчига нималар ман этилиши ҳақида, фақат тақиқлашлар, огоҳлантиришлар ҳақида. Аэровокзал хизматчиларининг айби билан самолёт учиши соатлаб кечиктирилганда аэрофлотнинг масъулияти, йўловчининг ҳақ-ҳуқуқи тўғрисида эса лом-мим дейилмаган. Ҳолбуки, бундай ҳолларда аэрофлот йўловчиларга уларни сарсон қилиб, вақтини ўғирлагани учун жарима тўлаши керак. Жарима ҳақини ундириш учун эса йўловчининг сочи оқаради. Чунки жаримани ундириш тартиби ўша йўловчиларга нималар тақиқланиши тантанавор қилиб ёзиб қўйилган авиабилетда мутлақо кўрсатилмаган.

Биз ҳуқуқий давлат қурмоқчимиз. Самолётга кечиккан йўловчи авиабилет қийматининг 25 фоизи даражасида жарима тўлагани сингари, аэрофлот ҳам ўз айби боис йўловчини ортиқча куттириб қўйгани учун жарима тўлаши шарт эмасми? Шундай бўлган тақдирдагина бизнинг аэрофлотимизда ҳам тартиб-интизом ўрнатилади. Жарима самолётнинг кечикишига айбдор бўлган хизматчилар ҳисобидан ундириб олинган тақдирдагина қандайдир Тарасенколар бутун бир самолёт йўловчиларининг тақдирини оппа-осон ҳал этиб юборолмас эди.

Редакцияга шикоят ёзган йўловчиларнинг талаби ҳам шу. 13 январь куни Шаҳрисабзга учадиган 507-рейс йўловчиларини қаттиқ совуқда 4 соатдан ортиқ сарсон қилиб қўйгани учун авиакорхона йўловчиларга жарима тўлаши зарур. Бу сарсон-саргардонликда к[...] азоб тортган ёш болалар эди. **Шу сабабли Ўзбекистон граждан авиация бошқармаси жарима ҳақини В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ болалар фондининг Ўзбекистон бўлими ҳисобига ўтказиши мақсадга мувофиқ.** Биз ушбу мақолани жумҳурият граждан авиацияси бошқармаси раҳбариятига йўловчиларнинг расмий мурожаати сифатида йўллаймиз.

Шу ўринда яна бир жиддий муаммо ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Аэрофлот хизматида баҳорги-ёзги мавсум бошланяпти. Бу пайтда йўловчилар қатнови бир неча баробар ошади. Ташвишимиз авиакассаларга йўлаб бўлмаслигидагина эмас. Бундан ҳам жиддийроқ ташвиш самолётлар қатновини йўлга қўйишдаги номутаносибликлар хусусида. Ёз ойларида жумҳурият пойтахтидан курорт шаҳарлари ва Москвага эмас, айни пайтда, вилоят марказларига бориб келиш ҳам ниҳоятда қийинлашиб кетади. Масалан, Қарши, Бухоро, Урганч ва Нукусга Тошкентдан ва ўша шаҳарлардан пойтахтга учувчилар сони ниҳоятда ошадиган пайтда Қарши—Ленинград сингари ҳаво йўлларида самолётнинг ярми ҳам тўлмайди. Хусусан, ўтган йилнинг август ойида шундай бўлди. Жумҳурият шаҳарларига учиш учун самолётлар етмай қолаётган пайтда вилоят марказларидан бошқа шаҳарларга самолётларнинг тўлиб-тўлмай учишини ақлга сиғдириб бўладими? Бу фақат йўловчилар манфаати учун эмас, хўжалик ҳисобида ишлаётган граждан авиацияси бошқармасининг ўзи учун ҳам зиён-ку!

Биз Ленинград сингари катта шаҳарларга самолёт мутлақо учмасин, демоқчи эмасмиз. Учсин, лекин йўловчиларнинг эҳтиёжини ҳам унутиб қўймайлик. Самолётлар энг аввало йўловчилар кўп бўладиган шаҳарларга учсин. Самолётларнинг қатнов жадваллари, бинобарин, ҳар бир рейснинг ҳафтада неча марта учиши йўловчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланиши зарур. Шунда ҳафтада бир марта учиш кифоя қиладиган шаҳарларга 2—3 рейс учирилишига ҳожат қолмаган бўлур эди. Мамлакатимизда янги самолётлар етишмай, эскилари муддатидан ортиқ ишлатилиб турган бир пайтда юз бераётган бундай номутаносибликларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

ЯНА ШУНИ ҲАМ АЙТИШ КЕРАККИ, Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги Қонуни эълон қилинганига беш ойдан ошяпти. Аммо Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг бўлинмаларида, йўловчиларга хизмат кўрсатишга алоқадор ишларда қонун ижроси билан боғлиқ ҳеч қандай иш қилингани йўқ. Йўловчиларга авиабилет сотувчи кассирлардан тортиб реклама-эълонларгача — ҳамма-ҳаммаси аввалгича турибди. Хўш, бошқарма раҳбарияти Давлат тили тўғрисидаги Қонунни бажаришни яна қанча вақт пайсалга солади? «Ҳаво лочинлари» сингари баландпарвоз сўзлар билан ҳаволаниб юришнинг вақти ўтаётир. Одамларнинг дард ва ташвишларига ҳам қулоқ тутиш, уларнинг эҳтиёжларига яқинроқ бўлиш, бинобарин, осмондан ерга тушиш керак!

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

**РЕДАКЦИЯДАН: Ушбу мақолада кўплаб меҳнаткашларни ташвишлантираётган жиддий муаммолар тилга олинган. Йўловчилар эҳтиёжига, меҳнат аҳлига, бинобарин, инсонга юз буриш элга хизмат кўрсатиш соҳаларининг муқаддас иши. Редакция Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасидан кўтарилган масалалар юзасидан жавоб кутади.**

# УМИДБАХШ КУНЛАР

ИЛЬИЧ РАЙОНИДАГИ Гагарин номидаги совхоз меҳнаткашлари жумҳурият Олий Совети Сессияси материалларини катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганмоқдалар. Кўкламги ишлар қизиб кетган дала ва фермаларда, ремонт устахоналарида қизғин мунозара давом этмоқда. Қайта қуришнинг илк самаралари деҳқон қадрияти қайта тикланаётганида, у қаддини тутиб олиб эътиқод билан меҳнат қилаётганида кўринмоқда. Деҳқонга эркинлик берилди. Энди у пухта ҳисоб-китоб билан иш кўраяпти, даромад ва буромад устида бош қотиряпти, ерга чинакам соҳиблик туйғуси кучаймоқда. Ўрта бўғин кадрларини сайлаш ҳам уларнинг инон-ихтиёри билан бўлаяпти.

Ўтган йилдан бошлаб, бўлимлар қисқартирилиб йириклаштирилган бригадалар ташкил этилди. Етти бригада хўжалик юритишнинг ижара пудратига ўтди. Пудрат услубининг тўғри йўлга қўйилиши натижасида совхоз ўтган йилдан бошлаб тўла иқтисодий мустақилликка эришди. Хўш, бунга қандай муваффақ бўлинди? Маълумки, халқни тўйдирадиган ҳам, кийдирадиган ҳам ер. Хўжаликка қарашли ерлар ўзлаштирилганига роса 30 йил бўлди. Бу жойлар Мирзачўлнинг кучли шўрҳок қисмига киради. Бунинг устига 3 минг гектар келадиган майдоннинг тупроқ қатламида гипс борлиги ҳам деҳқончилик учун қийинчилик туғдирмоқда.

1966—1967 йилларда сизот сувлари юзага кўтарилиб, ер ботқоққа айлангани учун шолидан бошқа ҳеч нима экиб бўлмай қолди. Зудлик билан кўрилган зах қочириш тадбирлари туфайлигина ер аслига қайтарилди. Кўплаб очиқ ва ёпиқ зовурлар қурилиб ишга туширилди, ернинг унуми ҳам аста-секин оша бошлади. Авваллари четдан ишчи кучи жалб этиш билан пахта етиштириларди. Барибир ҳосилдорлик 14—15 центнердан ошмасди. Қани, айтинг-чи, бундай шароитда хўжалик ҳамёнига қай ёқдан пул тушади-ю, деҳқоннинг косаси қачон оқаради?

Ютуқлар омили ерга, меҳнатга, деҳқончиликка бинобарин, инсонга муносабатнинг бутунлай ўзгарганлигидир. Ўтган йили ишда ҳам, машина механизмлардан фойдаланишда ҳам катта бурилиш бўлди. Пахта далаларида 65 терим машинаси ишлатилди. Илгари бир машина билан ўрта ҳисобда 40—45 тонна пахта терилган бўлса, ўтган йили 70 тоннадан оширишга эришилди. Деҳқоннинг даромади ошди, унинг юриш-туришида ҳам, турмуш тарзида ҳам ўзгариш яққол кўзга ташланмоқда. Яқинда СССР Олий кенгаши томонидан қабул қилинган ер ҳақидаги қонунни совхоз меҳнаткашлари зўр эътибор билан ўқиб ўрганмоқдалар. Қонун қишлоқ хўжалигидаги кўпгина муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун катта имкониятлар яратажагини алоҳида таъкидламоқдалар.

1983 йили пахта майдонининг 60 фоизи оилавий пудратчиларга бўлиб берилди. Хўжалик ҳосилни етиштириш ва йиғиштиришни четдан ёрдамчи жалб этмай бажарадиган бўлди. Натижада давлатдан нуқул қарз кўтаришдан ҳам қутулди. Ўтган йили хўжалик 5135 тонна пахта етиштирди. Ҳосилдорлик эса 22,1 центнерни ташкил этди. Йилнинг 4 чораги якунига кўра хўжалик СССР Сув хўжалиги Нозирлиги ва тармоқ касаба қўмитасининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Деҳқонни ернинг ҳақиқий соҳибига айлантириш айниқса биз чўлқуварлар учун муҳимдир. Чунки аҳолининг асосий қисми қишлоқда яшайди, уларнинг тирикчилиги ҳам асосан ер билан боғлиқ. Шундай экан, ернинг, табиатнинг экологик мувозанатини сақлаш ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳимроқдир. Сўнгги пайтларда хўжаликда бу соҳада бир талай ишлар амалга оширилди. Пахта якка зироатчилиги барҳам топмоқда. Қисқа муддатда етмишдан зиёд оила ўзларининг шахсий томорқаларини кенгайтириб, уй-жой қуриш учун ер майдонлари олдилар. Хўжалик марказида 400 ўринли маданият саройи қуриб битирилаяпти. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги, кутубхоналар, стадион, касалхона, дорихона, маиший хизмат тармоқлари эл хизматида. Яқинда аҳоли талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, бинокорлик материаллари магазини очилди...

Хўжалик меҳнаткашлари байналмилал оилага бирлашганлар. Совхоз директори Ўктам Хўжақулов — қирғиз йигити, партия комитетининг секретари Йўлдош Эшонқулов — ўзбек, бош иқтисодчи С. Хван — корейс. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Байналмилал оилани қарор топишида дўстлик, ўзаро аҳиллик, иноқлик ва ҳамжиҳатликнинг ўрни катта. Меҳнаткашларнинг фарзандлари мактабда ўзбек ва рус тилларида таълим олишмоқда. Эндиликда қирғиз тилида машғулот олиб борадиган синфлар, кутубхоналарда эса қирғиз адабиёти бурчаклари ташкил этиляпти. Қирғиз фольклор ансамблини тузиш, музика асбоб-ускуналари билан таъминлаш чоралари кўриляпти.

Совхозда ҳозир кўкламги дала ишлари қизғин давом этмоқда. Эртанги экинлар эса аллақачон экиб бўлинди. Айни кунларда сув йўллари — ариқ-зовурларни тозалаш, кўчат экиш ва ободончилик ишлари кун сайин авж олдирилаяпти. Йилнинг яхши бошланиши, Наврўзимиз қайта юз очгани, жумҳуриятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида кечаётган умидбахш жараёнлар хўжалик деҳқонлари қалбига ёруғ нур олиб кирмоқда.

**Раҳматулла РАСУЛОВ,**
меҳнат ветерани, Меҳнат Қизил байроқ, Ҳурмат белгиси орденлари соҳиби

**Сорабек ХОЛМУРОДОВ,**
«Ленин йўлидан» район газетасининг муҳаррири

# РЕДАКЦИЯГА МАКТУБ

Журналист К. Баҳриевнинг «Ой бориб, омон қайтмаган болам» мақоласи муносабати билан келган хатлар асосида ҳафталикнинг 1990 йил 9 март сонида эълон қилинган мақолада менинг ҳам Совет Армияси ҳақидаги мулоҳазаларим ўз ифодасини топганди. Шундан сўнг мен айрим одамлардан «Сен армиядаги зўравонликни ёқлабсан, бу ишинг учун ҳали жавоб берасан», деган мазмунда имзосиз, дўқ-пўписаларга тўла хатлар ола бошладим. Ҳолбуки, мен редакцияга йўллаган хатимда аслида Армиядаги аҳволни яхшилаш учун жисмоний тарбия ишларини такомиллаштириш, ёшларни соғлом-бақувват қилиб вояга етказиш лозимлиги, ўзбек йигитларини қурилиш қисмларига жўнатишга қатъий чек қўйиш, хизматдаги йигитлар билан маҳаллий Советлар алоқасини мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида фикр юритмоқчи эдим. Бироқ ёшлигим, етарли ҳаётий тажрибага эга эмаслигим туфайли ўз фикр-мулоҳазаларимни аниқ-тиниқ ифода эта олмаган эканман. Мақоладан сўнг бу хатоларимни тўла англаб етдим. Бунинг учун редакцияга миннатдорчилик билдираман. Шу билан бирга аввалги мактубимдаги чалкаш, ноўрин фикрларим учун барча юртдошларимиздан узр сўрайман.

**Фарҳод СУЛТОНОВ**



Абдулла ШЕР

# АЁЛГА ШАФҚАТ

I

Мадҳини қилолмай шошади шеърим
Аёлнинг ғайрати, шижоатидан
Ва лекин дарёдек тошади шеърим
Замоннинг аёлга хиёнатидан.
Дедилар: «Эркингни қўлга ол, аёл!»
Олди у — қараса: қўлида кетмон.
Ҳарорат қирқ бешга етганда беҳол
Оила салқинин қилди у армон.
Дедилар: «Йўлингни топдинг,
мана йўл!»
У йўлнинг ярмида кўрса
бир маҳал, —
Белкурак дастаси сингари ҳар қўл,
Укпардай кафтлари бетондек дағал.
Дедилар, «Ҳаёт қур!» —
Аёл қурувчи,
Бутифос мушк эрур — чўл қувар аёл.
Резинка этикда у илғор сувчи:
Шўри қуриса ҳам шўр ювар аёл.
Дедилар: «Эрингга тенг бўл, фаола!»
У эрга тенглашгач бўлиб
кўп-ҳалак, —
Қараса: етакда отасиз бола,
Қаршида бевалик деган келажак.
Дедилар: «Олов бўл, ройишлик
нечун?
Уйда ён, ишда ён, ёна бер бир-бир!»
У минг бор ёнишга етмасдан кучи
Бир бора ўт қўйди ўзига охир.

II

Аёллар ёнмоқда Ўзбекистонда
Бу ҳақда сўзланмас бизлар
томонда...

Михаил ДУДИН

Гуриллаб ёнмоқда дўзахий гулхан —
Айтсанг бу замонда ким ҳам инонар:
Бир қучоқ гул ёнар, ёнади гул тан,
Ёнар тўрт боланинг онаси, ёнар.
Навоий ҳазратим васфини қилган
Машриқнинг гўзали тирик ёнмоқда;
Амирий жанобим қалам деб билган
Ул қошлар ёнмоқда, киприк ёнмоқда.
Бир олов гуриллар Деҳқанорда:
Лутфий ёнмоқдадир — матлаъ
ёнмоқда.
Бир олов тебранар ловуллаб дорда:
Машраб ёнмоқдадир — мақтаъ
ёнмоқда.
Шоирлар ёнмоқда, сўзлар ёнмоқда,
Сиз ҳам ёнармисиз, раҳбар одамлар?
Сизларга қадалган кўзлар
ёнмоқда, —
Сизга ҳам аёнми бунақа ғамлар?
Қаранг, бу ёнғиндан қовжираб қочар
Бир томчи кўз ёшга айланиб Орол:
Сир билан Амудек тўлғонган сочлар
Жингиртоб бўлди-ку, бўлди-ку увол!
Сизга келтирмасми виждон шамоли
Куюк умрларнинг ҳидин армонда?!..
Сизларни тутмасми бир кун уволи:
Аёллар ёнмоқда Ўзбекистонда!

# РУБОИЙ

Жуфтликка чорлайди навбаҳор
қувноқ,
Ҳар жонзот жуфтига интилар, бироқ
Қирқинчи йиллардан қолган бевалар
Маъбуда сингари ҳануз яшар тоқ.

●

Ўша кенглик, ўшадир осмон,
Сой оқади фақат жилдираб.
Нураётган кўҳна тегирмон
Сўппайганча турар ҳилвираб.
Бари ўша: ҳар эрта қуёш
Шудринглардан думалаб ўтар.
Тегирмонга умр берган тош
Алафзорда юмалаб ётар.
Тушларида чўмилиб паррак,
Неча йилки, яшар қовжираб.
Келиб қолмиш бу ерга эртак
Мозийлардан гўё довдираб.
Мен чорлайман қўйиб овозни
Овози йўқ болалигимни.
Алафзорда учратиб ёзни
Сўроқлайман лолалигимни.
Нураб борар тегирмон эса, —
Тоши йироқ, чирикдир дўли...
Ёза бошлар бир мунглуғ қисса
Хотиротнинг титраган қўли...

●

Ўз Ватанинг борми сенинг,
туркий эл?
Кўз Ватанинг борми сенинг,
туркий эл?
Сўз Ватанинг борми сенинг,
туркий эл?
Юз Ватанинг борми сенинг,
туркий эл?! —
Бир Ватанинг бор-ку сенинг,
бир фақат,
Сийрат улдир, туркий элим,
сен сурват!..



Сотим АВАЗ

# ҲАҚИҚАТНИНГ СУРАТИ

Усмон НОСИРга

Эй, менинг
севимли душманим —
дардим —
ҳамиша эркинлик истаги,
Энди сўз ўзгарди,
либос ўзгарди,
лекин бир сен
ўзгарганинг йўқ.
Эй, ҳамхона —
қадрдон заҳар —
ўткир шароб,
қадаҳ тўла май,
ёғдирсам ҳам
сенга лаънатлар,
бепарвосан,
мендан кўнглинг тўқ.
Эй, жон қадар
меҳрибон оғу —
амри мудом вожиб
гўзал юз,
ахир юрак,
ҳамон ўша-ку,
дунёга ўт берадиган Чўғ!

●

Гулзор эмас,
ҳар ер-ҳар ердаги
пароканда,
бедармон гуллар.
Гулзорларни
орзулаётган
фидойилар,
жангчилар улар.
Кўнгилларни
ўт олдирмоққа
гулзор керак —
беармон гуллар...

# КАМАЛАК

Саркаш кўнгил
орзуларига
камалакни
камар этмакка
шошилмагил
симобдай Хаёл,
интилма
уфққа етмакка.
Бу алвон
уфқнинг ортида
жарликдир —
осмондан ер қадар!
Камалак байроқдир,
байроқлар
хавф-хатар устига
қадалар!

# БОҒДА

Силтанади олмалар, ноклар,
Тортқилайди новдани шамол.
Йўлакларнинг бўйида токлар
Ерга қапишишган бемажол.
Ўрикларнинг танаси ҳар кун
Ихчамлашиб борар оз-оздан.
Жунжикишар гилослар беун,
Моматалоқ бўлиб аёздан.
Дўнгликларнинг тагида надир:
Яланғоч анжирми, анорми?
Уларга ҳам осонмас, ахир
Ер тагида фароғат борми?
Бутун боғнинг танида титроқ,
Шивирлайди гўё ўнгу-сўл:
Эҳ, осонми баҳорга етмоқ
Ҳазил гапми қишдан ўтган йўл?!



ҲУМОЮН

●

Турфа кўринишга моҳир оломон,
Бир тўда тазарру чекмоқда нолон.
Авф этувчи гуруҳ чиқар у ёқдан,
Гўё энди хабар топди гуноҳдан.
Анави табақа ошкору пинҳон,
Фалакка илтижо этмоқда ҳамон.
Хуллас, тасвир учун манзара кўпдир,
Аммо, бас, саҳнага қарагим йўқдир.
Фақат бу оламни кузатар ҳайрон.
Сўз демай, кетмонга суянган деҳқон.

●

Ерингга тутасан,
Сен каби гўзал,
дея таърифларкан
гулларни узиб...
Ҳатто тошни ёрар дардингни,
Жондан азиз дўстга айтасан...
Манзилингга элтгувчи йўллар
Оёқларинг остида қолар...

# ВАТАНГАДО

Хорижда саргардон бир ватангадо,
Ё сургунда дард чеккан одам.
Ҳар митти майсангга бўлай деб фидо,
О, сени қанчалар қадрлар Ватан!
Эслайди нуроний чоллар сиймосин —
Жума намозидан қайтишларини.
Қўмсайди онасин тонгги дуосин...
Фарзандига алла айтишларини...
Танҳо, ўз-ўзи-ла гаплашади у,
Унутмайин, дея туркий сўзини.
Бешак, у соғиниб яшайди мангу,
Туғилган юртида юрган Ўзини!

# СЕН

Сен турфа тасвирлар чиздинг ёдимга:
Жуфтидан айрилган ярадор оққуш,
Ёруғлик мулкига ўтолмай тундан,
Қаноти қайрилган, қулаган беҳуш...
Сен маҳзун тасвирлар чиздинг, ёдимда:
Бешафқат шамолда эгилган дарахт,
Гўё ерга қараб ўсаётган дамда,
Юксакда — хаёлда учар эди бахт...
Сен мунгли суратлар чизардинг доим:
Тоғлар ёнбағрига урилган довул,
(Қўрғошинранг осмон ҳукмига маҳкум),
Тўлқинлар кафтида бенажот бир гул...
Озорли тасвирлар чиздинг ёдимга:
Унда ёшли боқар мен севгувчи кўз.
Нигоҳлар дилингни очса-да менга,
Қалбим ўртайверар айтилмаган сўз...

Тўлқин АЛИМОВ

# БОБОНИНГ СЎНГГИ ЭРТАГИ

ЖЎРА БОБО эртак айтарди.

Уруш чоғлари баҳорда ток чопиқда кетмончилар йиғилишиб ўтириб қолишса, Жўра бобо эртак айтаётган бўларди; ёзда буғдой ўроқда кўпчилик бир жойга тўпланиб олса, Жўра бобо эртак айтаётган бўларди.

Бригадир койинарди:

— Жўра бобо, одамларни ишдан қўйяпсиз, ҳали замон кун қайтади, ишда унум йўқ.

— Эртак қорин очлигини босади, дармон бўлади.

Жўра бобонинг гапи доим шу эди.

Йиллар ўтди. Уруш тугаб эртак тингловчилар ҳам ўз-ўзи билан бўлиб кетди. Йигитлар уйланиб, қизлар эрга тегиб дегандек — ҳамма учирма қилинган қушлардек чор атрофга тарқади.

Лекин Жўра бобо ҳамон эртак айтарди.

Энди уйланиб, эрга тегиб кетган йигит-қизларнинг болалари Жўра бобонинг атрофида парвона.

— Жўра бобо, болаларни юмушдан қўйяпсиз, моллар қаровсиз қолиб йўқолади, — дашном беради ота-оналар.

Жўра бобонинг гапи битта:

— Йўқолиб қаёққа борарди? Дала кенг, бугун бўлмаса, эрта келади-да. Бола эртак эшитса, зеҳни ўткир бўлади.

Шу зайлда кунлар ўтаверди.

Бир куни Жўра бобо эшагига ўн-ўн беш боғ янтоғни босиб ҳайдаб келди-ю гуп учди. Шу ётганча ана кетди, мана кетди бўлиб, уч кун тилсиз ётди. Қариндош-уруғларнинг ҳаммаси бошида ўтирди. Учинчи кун намози асрда кўзини очиб, атрофига қаради. Ҳамма шу ерда. Жўра бобонинг юзига табассум югурди.

— Қўрқитиб юбордимми?

Ҳамма суюниб кетди.

Жўра бобо шомгача очилиб-сочилиб гаплашиб ўтирди.

— Бир эртагим бор, айтиб берайми? — деди Жўра бобо охири.

— Айтинг, айтинг бува, жуда соғинганмиз, — чувиллади ҳамма.

Жўра бобо озгина тин олди, бир қултум чой ҳўплаб оғзини намлади. Кейин чеҳрасига мунг чўкди-ю, эртагини бошлади.

«Бир одамнинг туяси бўлган экан. Бир кун далага ўтинга бориб, ўшаниям йўқотиб қўйибди. Йўлга чиқибди-ю туянинг изини топиб, югуриб кетаверибди. Бир маҳал қараса, унинг туясини биров етаклаб кетаётганмиш.

— Ҳов биродар, нега менинг туямни етаклаб кетяпсан, — дебди.

— Қанақасига сенинг туянг бўларкан, бу ўзимнинг туям, — дебди ўғри.

— Йўқ, бу меники, ана, бўйнидаги нўхтасиниям ўзим тикканман.

— Ие, сенинг туянгдан бошқа туяда нўхта бўлмайдими?

Улар довлашиб, қозига келишибди. Униси у дебди, буниси бу дебди. Қози туяни бировигаям ажрим қилиб беролмабди.

— Қани, туяларингнинг бирон белгиси бўлса, айтларинг, — дебди қози ниҳоят.

— Менинг туямнинг ҳеч қанақа белгиси йўқ, шу туя, холос, — дебди ўғри.

— Сен нима дейсан? — сўрабди қози туя эгасидан.

Туя эгаси анча вақт ўйга толибди. Кейин хафа ҳолда дебди:

— Бунинг ўпкасида учта тешиги бор.

Қози танг аҳволда қолибди. Бу қанақаси: туянинг ўпкасида тешиги бўлса? Лекин у ҳақноҳақни ажратиши лозим. Туяни сўйишибди. Унинг ўпкасини очиб кўришса, ростдан ҳам унда учта тешик бор экан.

— Ё қудратингдан! — ёқа ушлабди қози. — Ўғрини-ку жазолаймиз, у ўн баробар қилиб товон тўлайди. Лекин сен тирик туянинг ўпкасида учта тешиги борлигини қаердан билдинг?

— Тақсир, дадам раҳматлик: «Туянинг боласи ўлса, онасининг ўпкаси тешилади», дегувчи эдилар. Мана шу туям уч марта болалаган ва ҳар учовиям ўлган эди, — дебди чол бошини эгиб.

Беморнинг бошидагилар шу он Жўра бобонинг ҳам учта азамат ўғли бўлганлигини, улар урушга кетиб, ҳар учовидан ҳам бирин-кетин қора хат келганида Жўра бобо бўтадай бўзлаганини эслашди. Эслашди-ю эркаклар юзларига кафтларини босиб ташқарига чиқиб кетишди. Аёллар эса биров билдириб, биров билдирмай кўзига ёш олди.

Хуфтонга бориб Жўра бобонинг аҳволи яна оғирлашди...



Нодира БАРОТОВА

# СИРЛИ НАВОЛАР

Булутлар дардларин ёмғир-ла тўкди,
Азоблар йилларнинг чокини сўкди.
Бирдан қуёш тутди қоп-қора кўкни,
Уйғонсам уйқудан...
Жалалар, беором жалалар тинди,
Лолалар адирлар томига минди.
Ғафлат нималигин тушундим энди,
Уйғониб уйқудан.
Шамолдай тентираб кетди хаёллар,
Шудгорда, далада қолди аёллар,
Бошимга қўнибди оппоқ саволлар,
Уйғонсам уйқудан...
Ҳаёт мунгли мусиқалар айтарди,
Муножотни алла дея атарди.
Бари мени йўлларимдан қайтарди,
Уйғотиб уйқудан.

●

Қирғоқлари йўқдир дарёнинг,
Уролмайди бошини тўлқин.
Паст тоғларнинг елкаларидан
Уйғонади қоялар секин.
Соғинч деган тоғлар ўсади,
Дарёларнинг сувлари — кўз ёш.
Юртим, сени ҳам бир кун
Уйғотади заҳматкаш қуёш...



Қудрат ДЎСТМУҲАММАД

# ЮЛДУЗГА ҚЎЛ УЗАТГАН БОЛА

ҚАТРАЛАР

●

— ЖЎЖАЛАРИНГ ХЎРОЗМИ, товуқми?

— Хўроз. Ана, қаранг, тожиси уч қирра бўлиб чиқаяпти. Бир, икки, уч... Тўрттаси хўроз. Бабоқ хўроз!

— Хўроз бўлса қичқириши керак эди-ку!

— Булар ҳали кичкина-да, ўрганмаган. Қичқиришни ўргатиш керак.

Бола шундай деб хўроз бўлиб қичқирди. Катакчадаги жўжалар чўчиб кетди шекилли, биттаси ғалати товуш чиқарди. Бундан севиниб кетган бола отасига деди:

— Ана, ўрганаяпти! Айтдим-ку, ўргатиш керак, деб. Булар ҳали кичкина, ўзининг хўрозлигиниям билмайди.

●

ОТА-БОЛА БИР парча ерга уруғ қадашди. Каталакдаги жўжалар чий-чий қилади. Бола отасига саволлар ёғдиради.

— Дада хўрозларим қаттан чиққан?

— Тухумдан.

— Тухум-чи?

— Товуқ туққан.

— Товуқ-чи?

— Табиатда пайдо бўлган.

— Дада, табиатда ҳамма нарсанинг уруғи бўладими?

— Ҳа.

— Экса, мева қилади-а?

— Мева қилади.

— Одамниям уруғи бўладими?

— Катта бўлганингда билиб оласан.

— Юлдузла каттами, кичкинами?

— Жуда катта!

— Уйимиздек келадими?

— Ердек келади. Ундан ҳам катталари бор.

Шунақа катта юлдузчани қанақа қилиб ясашган?

— Ҳеч ким ясамаган, табиатда ўзи бор.

— Менинг юлдузчамга ўхшаб бешта учи борми?

— Жуда узоқдан сенга беш қиррали бўлиб кўринади, аслида улар ҳам Ерга ўхшаб дум-думалоқ.

— Дум-думалоқ? — деди бола, ҳафсаласи пир бўлиб. Кейин бирдан жонланиб кетди. — Ўша юлдузларда одам борми?

— Бор, дейишадию, лекин ҳалигача ҳеч ким кўрмаган.

— Ман катта бўлсам юлдузларга одамнинг уруғини экаман. Хўрозларимниям олиб кетаман.

●

БОЛА ГУРУНГЛАШИБ ўтирган амакилари ёнида нималардир билан машғул бўлаётганида катталардан бири ҳазиллашиб унинг иштонини пастга тортиб юборди. Яланғочланиб қолган бола устидан бошқалар кулишди. «Уят! Уят!» деб мазах қилишди.

Бола апил-тапил иштонини кўтарди, қизарганча жойида қотиб қолди, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Катталарнинг кулгиси авжида. Шунда мурғак танга она табиат яшириб қўйган ҳимоя деб аталувчи бир нима жунбушга келди. Боладаги уялиш ўрнини ғазаб эгаллади. У иштонини тортган амакига қараб «Туф!» деди.

Катталарнинг кулгиси тўхтади, катталарча ғурур уйғониб, болага «одоб» ўргата бошлашди:

— Уятсиз бола бўлдинг!

— Амакисига ҳам шундай қиладими?

Бола индамай тескари қараб кетди.

●

БОЛАНИ ҲАР КУНИ отаси боғчага олиб борарди. Ҳар куни йўлда эрталабки бадан тарбия қилиб, югуриб юрган амакини кўришарди. Бола унга эътибор бермасди. Отанинг кўнглидан эса «уйида қиладиган жисмоний юмуши йўқ шекилли...» деган гап кечарди. У ҳар гал ўғлига «Бекордан-бекорга югуриш ўрнига биронта фойдали иш қилса — гулларга, дарахтларга қараса ҳам бўларди», дегиси келардию, лекин боланинг тушунчаларини чалкаштириб юборишдан қўрқарди.

Югураётган амакини неча марта кўришган бўлса, ҳар гал отанинг кўнглидан ўша гап кечаверди. Кунларнинг бирида боланинг ўзи отасининг кўнглидаги гапни топиб айтди: «Уйида қиладиган иши бўлмагандан кейин югуради-да».

●

БОЛА БИР куни онаси билан етаклашиб боғчадан қайтарди, рўпарадан бир йигитча тез-тез яқинлашиб, ўтиб кетди. Бола унга қараб «С-с-салайкум!» деди, худди соғиниб қолган эски қадрдонини учратгандек. Йигитча тез юрганидан орқа томонга ўтиб кетганидан кейингина салом ўзига қаратилганини англаб қолди ва кеч бўлсаям, кулимсираб алик олди ва йўлида давом этди.

Она ҳайрон бўлди.

— Ким у амаки? Танийсанми?

— У амаки матасекил ҳайдайди, — жавоб берди бола.

Онаси йигитчага қайрилиб қаради. Унинг қўлида мотоцикл ҳайдовчилари кийдиган бош кийим бор эди.

●

ОТА ЙИЛЛАР ҳисобини мактабга бора бошлаган ўғлига тушунтираётиб деди:

— Қандайдир катта воқеа бўлгану одамлар «Келинглар, шу кундан бошлаб кунларни, йилларни ҳисоблаймиз», дейишган. Ана шундай катта воқеалардан бири икки минг йил илгари бўлган.

— Ҳа-а, — деди ниманидир ўзича тушунган кичкина донишманд. Икки миллионинчи йил бўладими?

— Бўлади.

— Икки миллиардинчи йил-чи?

— У ҳам бўлади.

— Вуй! Агар одамлар, келинглар, ҳисобни бошқатдан бошлаймиз, дейишса-чи?

Ота бир зум гангиб қолди. «Айтгин-айтгин, одамлар тарихни қайтадан ҳисоблагулик қилмасин», деди у ичида.

●

У БИР ЁШДАН САЛ ўтибоқ атак-чечак қила бошлади. Бемалол оёққа туриб оладида, икки қўли билан, ўтирган қуён олдинги калта оёқларини тутганидек мувозанат сақлаб, гоҳ олдинга, гоҳ орқага қадам ташлайди, тўхтаб-тўхтаб қолади ва яна кетма-кет қадам босади.

Болага она табиат ато этган ажойиб хислатлар кўп.

Бировнинг олдида турган нарсани, нима бўлишидан қатъий назар, талашгандек тортиб олади-да, қўлини орқасига қилиб, рўпарасидаги одамнинг кўзига тикилиб тураверади, қани энди, бир нима десаю, у тортиб олган нарсани бермаса! Бирор нарсани осонликча қўлга киритиш уни тезда зериктириб қўяди.

Уч ёшида кўрган тушларини гапирадиган бўлди.

Кунларнинг бирида дадаси китоб мутолаа қилиб ўтирарди.

Ўғлининг «дада! дада!» деб чақирганига эътибор қилмади. У ўйинчоқларини гиламда қолдириб, стулга тармашди, ундан бир амаллаб столга чиқди-да, дадасининг қоғозлари устига ўтириб олди.

— Нима дейсан? — деди ота ноилож.

— Ман... ухлаганимда юлдузларни рашимини чизимман, кейин осмондан юлдузла тушибди. Мен улани тейиб обман. Мак-кам ушаволдим, кўзимни очиб қаясам қўлимми мундоқ қилиб ётимман, юлдузла йў-ў бўб қопти.

— Ҳа, ўғлим катта бўлганингда юлдузларга қўлинг етадиган бўлади, — деди отаси ишонч билан.

●

КУНЛАРНИНГ БИРИДА, кечки овқатдан сўнг гаплашиб ўтириб, ёш ота-она «Ким ёмон?» ўйинини эслаб қолишди.

— Ойинг ёмон-а? — деди ота.

— Йўқ, даданг ёмонлар, — деб қайтарди онаси.

Бола кўзларини жавдиратиб гоҳ отасига, гоҳ онасига термулди. Улар бўлса қалтис ўйинга берилиб кетиб, тинмай бир-бирларини ёмонлашарди. У бирига кўнай деса, иккинчисини хафа қилиб қўйишини билиб, бир нима демоқчи бўлар, дилидаги тилига кўчмай, қийналиб «йўқ! йўқ!» дея оларди, холос. Ниҳоят, тушундики, кимнидир ёмон дейиш керак:

— Йўқ, ман ёмон! Ман ёмон! — деди бола бир отасига, бир онасига қараб.

Ота-она бу ҳазилнинг қалтислигини сезиб қолишди.



Саттор ҚОРАБОЕВ

# ФАРҒОНА МАНЗАРАЛАРИ

1

— Қани, тур,
Ўзинг, ҳа ўзинг —
Воз кечдик шекилли
бир-биримизни
суяшдан?..
Кўплашиб жўш қилиб
бўлмайди,
Йиқилганнинг ўзи
оёққа туриб
Арз айтгали юрсин
Қуёшга...

2

Қувасойнинг боғларида
Анорлар гул тўкди,
Довуччалар ер билан
битта
тўкилар.
Жон қўшни,
Тош отманг —
Дарахтнинг тагида
бир этак бола
Оғзини осмонга
очиб ўтирар...

3

Антиқа кулфатда
қолдим-ку,
Кулгувчи ўзимман,
Йиғлагувчи ҳам —
Билмадим,
Кулгуданми,
йиғиданми?
Икки кўзим тўла ғам?!

4

Қани айт-чи —
Сен ким-у,
Мен кимман?
Мозийдан айтсак?!
Сенга мушт,
Менга мушт...
бир четда турганга
Чалпак ёғ, чалпак!!!

5

Бугун менда
кўп нарса бор —
Рўзғорим,
битмас уй — чала,
Қадоқли қўл-оёқ,
Пахтам,
яна... уй тўла бола!
Бугун менда
кўп нарса бор —
Тирик жуссам,
мантиқ жуда жўн —
Акрам, Неъмат,
Суннат, Жаббор,
Сатторга
акаси Ғаффордан
қолган эски тўн!
(Унгача эпкилаб
Жўравой кийган
тепкилаб.)
Хуллас —
тарафлашиб
Ур-сур
чопон талашиб.

